




Научно-практический электронный журнал

МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА

ISSN 2658-7998



Выпуск №77 (том 1)
(октябрь, 2025)



Международный научно-практический
электронный журнал «МОЯ
ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА»

Сайт: mpcareer.ru

ISSN 2658-7998

УДК 001

ББК 94

Международный научно-практический электронный журнал «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА». Выпуск №77 (том 1) (октябрь, 2025).

Дата выхода в свет: 31.10.2025.

Сборник содержит научные статьи отечественных и зарубежных авторов по экономическим, техническим, философским, юридическим и другим наукам.

Информация об опубликованных статьях предоставляется в систему Российского индекса научного цитирования (РИНЦ) и размещена на платформе научной электронной библиотеки (eLIBRARY.RU). Лицензионный договор № 284-07/2019 от 30 июля 2019 г.

Миссия научно-практического электронного журнала «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА» состоит в поддержке интереса читателей к оригинальным исследованиям и инновационным подходам в различных тематических направлениях, которые способствуют распространению лучшей отечественной и зарубежной практики в интернет пространстве.

Целевая аудитория журнала охватывает представителей экспертного сообщества, докторов, преподавателей, научных сотрудников, бакалавров, магистрантов, аспирантов и иных лиц, интересующихся вопросами, освещаемыми в журнале.

Материалы публикуются в авторской редакции. За соблюдение законов об интеллектуальной собственности и за содержание статей ответственность несут авторы статей. Мнение редакции может не совпадать с мнением авторов статей. При использовании и заимствовании материалов ссылка на издание обязательна.

© ООО «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА»

© Коллектив авторов



ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ МЕДИЦИНЫ В РЕСПУБЛИКЕ СЕВЕРНАЯ ОСЕТИЯ – АЛАНИЯ Хестанова К.В., Джиоева Д.С.	81
ИНТЕГРОДИФФЕРЕНЦИАЛЬНЫЕ УРАВНЕНИЯ ВОЛЬТЕРРА- ФРЕДГОЛЬМА Хайдарова О., Хайдарова М.	90
ОДНОЗНАЧНАЯ РАЗРЕШИМОСТЬ ИНТЕГРОФУНКЦИОНАЛЬНОГО УРАВНЕНИЯ ВОЛЬТЕРРА Хайдарова О., Хайдарова М.	93
ПОЛЕЗНЫЕ ИСКОПАЕМЫЕ ТУРКМЕНИСТАНА Мурадова А.Ё., Мурадова О.Ё.	96
ПРИМЕНЕНИЕ МЕТОДА ТРАЕКТОРИЙ ПРИ РЕШЕНИИ ЗАДАЧ КОМБИНАТОРИКИ Какалыев Б.А., Аннагылыджова М.Б., Гелдиева Г.А.	99
СИСТЕМА МАССОВОГО ОБСЛУЖИВАНИЯ И ЕЁ ПРИЛОЖЕНИЯ Какалыев Б.А., Егендурдыев Г.Х., Аннагылыджова М.Б.	103
УСТАНОВЛЕНИЕ ЖИЛИЩНЫХ СУБСИДИЙ НА ОСНОВАНИИ РЕГИОНАЛЬНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА Гладких У.А.	106
РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА МОЛИЯ БОЗОРИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ, ТАДБИРКОРЛИКНИ ТЕНГ РАҚОБАТ ШАРОИТЛАРИНИ ЯРАТИШ ҲАМДА ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ УЛУШИНИ ҚИСҚАРТИРИШ ЙЎЛЛАРИ Олтаев Ш.С.	114
МАМЛАКАТ АКЦИЯЛАР БОЗОРИДАГИ МУАММОЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ Олтаев Ш.С.	121
МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ЛОГИСТИКА СОҲАСИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ Олтаев Ш.С.	129
РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ПЛАСТИК КАРТАЛАР БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎЛЛАРИ Олтаев Ш.С.	135
МАМЛАКАТДА САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ОШИШИНИНГ МОЛИЯ БОЗОРИГА ТАЪСИРИ Олтаев Ш.С.	143
ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ЭКОЛОГИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ И ПРАКТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ГРАЖДАНСКО-ПРАВОВОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА ВРЕД, ПРИЧИНЕННЫЙ НАРУШЕНИЕМ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА Бузмакова Д.С.	148
УДЕРЖАНИЕ ВЕЩИ КАК СПОСОБ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ОБЯЗАТЕЛЬСТВ ПО ДОГОВОРАМ АРЕНДЫ ПОМЕЩЕНИЙ: ПРОБЛЕМЫ ТЕОРИИ И ПРАВОПРИМЕНИТЕЛЬНОЙ ПРАКТИКИ Васильева О.Р.	157
ТРАДИЦИИ И КУЛЬТУРА – ДУХОВНЫЕ КОРНИ ТУРКМЕНСКОГО НАРОДА Сулейманлы Н., Худайбердыева М.Ч., Мовламов Я., Гельдиев А.	164
ПРОБЛЕМЫ ПРАВОВОГО СТАТУСА АПАРТАМЕНТОВ И ИХ СООТНОШЕНИЕ С ЖИЛЫМИ ПОМЕЩЕНИЯМИ Гоглева А.А., Верхорубов И.Н.	168



Олтаев Ш.С.

СамИСИ доценти, и.ф.н.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ПЛАСТИК КАРТАЛАР БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎЛЛАРИ

Аннотация. Мазкур мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида пластик карталар орқали амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш масалалари ёритилган. Унда тўлов тизимларининг замонавий ривожланиш йўналишлари, банклар фаолиятида пластик карталарнинг аҳамияти ҳамда уларнинг мамлакат иқтисодий ҳаётига таъсири таҳлил қилинган. Муаллиф “Узкарт-ЭМВ” миллий тўлов тизими, “Смарт-Виста” ЭМВ технологияси каби инновацион ечимлар жорий этилиши орқали нақд пульсиз ҳисоб-китоблар ҳажмининг ортиши, иқтисодий айланиш тезлигининг ошиши ҳамда инфляцияни прогнозлаш имкониятларининг кенгайишини кўрсатиб ўтган. Шунингдек, пластик карталар бозоридаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этишнинг самарали йўллари бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, пластик карталар, тўлов тизими, нақд пульсиз ҳисоб-китоб, Узкарт, Смарт-Виста, банк хизматлари, инновацион технологиялар.

Бугунги кунга келиб, мамлакатимизда ҳам XXI асрнинг замонавий техник тараққиётининг муҳим унсурларидан бири бўлмиш пластик карточкалардан, яъни замонавий тўлов тизимларидан кенг фойдаланилмоқда. Бундай пластик карточкалар бозорида республикаимизда фаолият кўрсатаётган барча банкларимиз фаол иштирок этишмоқда. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг охириги йилларда ривожланиб бораётган шакли бу - пластик карточкалардир.

Пластик карточка - бу шахсий тўлов воситаси бўлиб, уни карточкадан



фойдаланувчи шахс маҳсулот ва хизматлар учун нақд пулсиз тўловни амалга ошириши учун тақдим этади, шунингдек, банклар ва банкоматлардан нақд маблағларни олиш учун ишлатилади. Пластик карточка, тегишли банкда, карточка эгасининг ҳисоб-варағи мавжудлигини, тасдиқловчи ва нақд пулсиз товарлар, ишлар, ёки хизматларни сотиб олиш ҳуқуқини берувчи, шахси белгиланган, банк томонидан чиқарилган тўлов воситасини ўзида ифода этади. Тўлов карточкалари ишлатилиши вақтида юзага келувчи тўлов мажбуриятларини бажарилишини карточкани чиқарган банк эмитент кафолатлайди. Шунинг учун карточкалар ўзининг амал қилиш муддати давомида банкнинг мулки бўлиб қолади, мижозлар уни фақатгина фойдаланиш учун оладилар. Пластик карточкада, албатта бир хил маъноли идентификатция қиладиган эмитентнинг номи ва логотипи қайд қилиниши шарт. Пластик карточкалар, жисмоний шахслар, юридик шахслар ёки яқка тартибдаги тадбиркорлар, ҳамда маҳсулотни сотувчи, иш бажарувчи, ёки хизмат кўрсатувчи юридик шахслар, ёки яқка тартибдаги тадбиркорлар ўртасидаги бўладиган нақд пулсиз ҳисоб-китобларда, шунингдек, нақд пул бериш пунктлари ва банкоматлардан нақд пул олишда қўлланилади. Банклар халқаро пластик карточкалар чиқариши ва улар бўйича хизмат кўрсатиши мумкин, бунда улар халқаро тўлов тизимлари билан тузилган шартномаларга ва «Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида»ги низомга мувофиқ, бажариладиган операциялар қоидаларига амал қилишлари шарт.

Тижорат банклари операцияларидан бири бўлган хизмат кўрсатиш ва сервис, бугунги кунда уларни ташкил этиш ва фаолиятини таҳлил қилишнинг назарий ва амалий муаммолари ушбу банк тузилмаси ва таснифига ҳамда уларни гуруҳлаштиришга боғлиқ бўлмоқда. Пластик карточкалар орқали хизмат кўрсатиш операцияларни таснифлашда уларнинг таркибий ва функционал вазифаларидан келиб чиққан ҳолда мезонларни аниқлаб олиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки бир мамлакатдаги таснифлаш бошқа бир мамлакатдагига мос келмаслиги ўзаро муносабатларда тушунмовчиликлар юзага келишига сабаб бўлиши, бу эса, пластик карточкалар билан хизмат кўрсатиш фаолиятининг



қийсий таҳлилига таъсир кўрсатиши мумкин.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш ҳамда ушбу тизимни такомиллаштириш доирасида “On-Line” режимида ишловчи «Uzkart-EMV» миллий банклараро пластик карточкалар тўлов тизимини жорий этишни жадаллаштириш мақсадида тижорат банкларида тегишли дастурий-аппарат мажмуалари ишга туширилди ҳамда бу соҳадаги ишларни янада ривожлантириш мақсадида - муомаладаги онлайн карталари, терминаллар, инфокиосклар сонини ошириш, тижорат банкларининг эҳтиёжлари учун банк пластик карта тизими учун импорт қилинадиган қурилма, ускуна, дастурий таъминотларини божхона тўловларидан озод қилиш, пластик карта тизими учун импорт шартномалари бўйича харид қилинган техник ва дастурий воситалардан самарали фойдаланишни назорат қилиш ва зарур чораларни кўриш, “Smart-Vista” EMV тизимида “on-line” режимида ишлашга мўлжалланган терминалларнинг сифатли ишлашини таъминлаш мақсадида сервер тизими ва алоқа каналлари сифатли ва узилишларсиз ишлашини мониторинг қилиш каби йўналишларда фаол ишлар олиб борилди.

Шунингдек, аҳолининг кундалик эҳтиёжи учун зарур бўлган товарлар ва маҳаллий бозорларда сотилаётган бошқа маҳсулотларнинг тўлов терминаллари ўрнатилган савдо дўконларида мавжуд бўлишини таъминлаш бўйича чоратadbирларни кўриш, аҳолига хизмат кўрсатадиган барча турдаги транспорт воситаларида (метро, маҳаллий транспорт, шаҳарлараро, вилоятлараро маршрут, такси ва бошқалар) йўлқира ҳақларини банк пластик карталари ёки махсус электрон транспорт карталари орқали тўлашни жорий қилиш, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш объектларига ўрнатилган тўлов терминалларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида аҳоли томонидан «Ишонч телефонлари»дан кенг фойдаланишни тарғиб қилиш, банк карталари орқали банклараро амалга оширилган тўловларни белгиланган вақтда тегишли банк ҳисобварақларида акс эттирилишини Ягона умумреспублика проқессинг маркази ва тижорат банклари томонидан узлуксиз таъминлаш, банк карталари орқали тўловларни амалга оширишни янада ривожлантириш ҳамда тизим инфраструктурасини



кенгайтириш мақсадида муомалага қўшимча равишда банк пластик карталарини чиқариш ҳамда тўлов терминаллари, банкомат ва инфокиосклар ўрнатиш, банк пластик карталари орқали электрон тижорат тўловларини амалга ошириш учун электрон тижорат билан шуғулланувчи ташкилотларни зарурият бўйича терминаллар билан таъминлаш ишлари сифат жиҳатдан олдинги поғоналарга кўтарилди. Пластик карточкалар орқали амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш истиқболларини ўрганиш асносида куйидаги хулосаларни баён қилиш мумкин:

биринчидан, пластик карточкалар нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимида тўлов воситаси сифатида алоҳида ўрин эгаллайди. Пластик карточкалар билан ҳисоб-китоблар тизимининг жорий қилиниши мижозларга янги банк хизмати кўрсатибгина қолмасдан, балки пул айланмалари ҳаракатини тезлаштириб, нақд пулга бўлган талабнинг қисқаришига ёрдам беради;

иккинчидан, пластик карточкалардан фойдаланиш механизмининг такомиллашуви нақд пулнинг банкдан ташқари айланмасининг кескин қисқаришига, шунингдек истеъмолнинг умумий ҳажми йилдан йилга ошиб бориши эвазига мамлакат ЯИМ ҳажмининг кўпайишига хизмат қилади;

учинчидан, пластик карточкалар орқали амалга оширидган транзакциялар суммасининг ўзгаришини мамлакатда келгусида кутилаётган инфляцияни прогноз қилишда бир омил сифатида ҳисобга олиш мумкин;

тўртинчидан, Ўзбекистонда пластик карточкалар муомаласи ва ривожланишини таъминловчи ҳуқуқий ва меъёрий базани такомиллаштириш лозим.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, республикамиз пластик карточкалардан фойдаланиш борасида катта потенциалга эга. Аммо, яқин йиллар ичида карточкалар сонини янада кўпайтириш ва қўшимча қулайликлар яратиш кўзда тутилганига қарамасдан бу соҳада айрим муаммолар мавжудлигига ҳам эътибор қаратиш лозим. Булар:

биринчидан, нақд пулда тўловларни амалга ошириш анъанасининг мавжудлиги;



иккинчидан, банкомат ва терминлар билан тўлиқ таъминланмаганлик;
учинчидан, иш ҳақини пластик карта ҳисоб-рақамига туширишда банк ходимининг қўл меҳнатидан фойдаланиши ҳоллари мавжудлиги;

тўртинчидан, кредит карточкалар тармоғининг ривожланмаганлиги;
бешинчидан, айрим йирик корхоналарнинг ойлик иш ҳақини ўз вақтида бермаслиги;

олтинчидан, банкоматлардан нақд пул олишда баъзи уринишларнинг мавжудлиги ва бошқалар.

Юқорида санаб ўтилган муаммоларни бартараф этиш мақсадида пластик карточкалар бозорини ривожлантириш юзасидан қуйидаги тадбирларни таклиф этамиз:

биринчидан, пластик карточкалар орқали амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар механизмини янада автоматлаштириш;

иккинчидан, мамлакатимизда кредит карточкаларни жорий этиш ва уларни эмиссия қилиш механизмини енгиллаштириш;

учинчидан, оммавий ахборот воситаларда пластик карточкалар, уларнинг қулайлиги, афзалликлари ҳамда карточка эгасининг қонуний ҳуқуқлари ҳақида роликлар тайёрлаб, аҳолини улар билан яқиндан таништириб бориш;

тўртинчидан, пластик карточкалар соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

бешинчидан, тижорат банкларининг пластик карточкалар билан ишлаш тизимларини, хусусан, тўлов тизимлари фаолиятларини янада яхшилаш ва сифатини ошириш лозим деб уйлаймиз.

Муҳокама. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда рақамли иқтисодиёт жадал ривожланиб, тўлов тизимлари соҳасида ҳам муҳим ўзгаришлар юз бермоқда. Нақд пульсиз ҳисоб-китоб тизимининг асосий воситаларидан бири сифатида пластик карталарнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Улар нафақат қулай тўлов воситаси, балки иқтисодиётдаги пул айланишини тезлаштирувчи муҳим молиявий механизм сифатида хизмат қилади. Бугунги кунда “Узкарт” ва “Ҳумо” тизимлари асосида жорий этилган миллий тўлов платформалари орқали банклар



ўртасида электрон ҳисоб-китобларни тез ва хавфсиз амалга ошириш имкониятлари яратилган.

Шу билан бирга, пластик карталар бозорида айрим муаммолар ҳам сақланиб қолмоқда. Жумладан, айрим ҳудудларда терминаллар ва банкоматлар етишмаслиги, аҳолининг нақд пулда тўлов қилиш одатининг сақланиб қолиши, кредит карталар тизимининг ривожланмаганлиги ҳамда айрим корхоналарда иш ҳақи пластик карта орқали ўз вақтида тўланмаслиги тизим самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Мазкур муаммоларни бартараф этиш учун хизмат кўрсатиш инфратузилмасини кенгайтириш, кредит карталар эмиссияси жараёнини соддалаштириш, аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш ва пластик карталарнинг афзалликларини оммавий ахборот воситаларида тарғиб этиш зарур.

Инновацион ривожланиш йўналишларидан бири сифатида “он-лине” режимда ишловчи тўлов тизимларини кенгайтириш, мобиль тўлов ва электрон тижорат интеграциясини кучайтириш, халқаро тўлов тизимлари билан ҳамкорликни чуқурлаштириш ҳамда банклараро транзакцияларни автоматлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса. Рақамли иқтисодиёт шароитида пластик карталар билан ҳисоб-китоблар тизимини янада такомиллаштириш мамлакат молиявий тизимининг барқарор ривожланишида муҳим ўрин тутади. Бу жараён нақд пул айланишини қисқартиради, тўлов тезлигини оширади ва иқтисодиётда пул оқимларини шаффофлаштиради. Пластик карталар орқали тўловларни автоматлаштириш, кредит карталар тизимини ривожлантириш, аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш ҳамда миллий ва халқаро тўлов тизимларини интеграциялаш Ўзбекистоннинг рақамли иқтисодиётини янги босқичга олиб чиқади. Шу боис, пластик карталар тизимини инновацион асосда ривожлантириш давлат, тижорат банклари ва технологик компаниялар ҳамкорлигида олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. "Тўловлар ва тўлов тизими тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. 2019 й. ноябрь.
2. "Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3945-сон қарори. 18.09.2018 й
3. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Т.Мoliya-iqtisod. 2019 й.
4. Банклараро Миллий прессинг марказ ҳисобот материаллари
5. sbu.uz. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти материаллари
6. Shavkat Oltaev. (2024). Issues of attracting foreign investments to the special economic zones of the country. Innovative Development in Educational Activities, 3(6), 31–36. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10899983>
7. Shavkat Oltaev. (2024). Innovative ways to diversify and improve the quality of tourist services in Uzbekistan. International Journal of Advanced Research in Education, Technology and Management. 3(3), 109-118. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10880030>
8. Shavkat Oltaev. (2024). Innovative ways to eliminate the migration problem in Uzbekistan. International Journal of Advanced Research in Education, Technology and Management. 3(3), 123-130. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10880419>
9. Shavkat Oltaev. (2024). The need to form the state investment strategy. Innovative Development in Educational Activities, 3(6), 25–30. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10899979>
10. Shavkat Oltaev. (2024). Issues of attracting foreign investments to the special economic zones of the country. Innovative Development in Educational Activities, 3(6), 31–36. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10899983>
11. Shavkat Oltaev. (2024). The role of the economic sector in society. Eurasian Scientific Herald, 30, 55–58. Retrieved from



<https://geniusjournals.org/index.php/esh/article/view/5815>

12. Shavkat Oltaev. (2024). Purposeful formation of the high quality of providing economic growth in the country. Web of Teachers: Inderscience Research, 2(3), 273–280. Retrieved from

<https://webofjournals.com/index.php/1/article/view/1047>

© Олтаев Ш.С., 2025